

## Сийрат дарслари (204-дарс) Рухсатсиз икки кишининг орасига ўтирманг!



23:03 / 11.11.2022 4292

783. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар уч киши бўлса, иккитаси учинчини қўйиб пичирлашмайди»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

784. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Киши кишини ўтирган еридан турғизиб, ўрнига ўтирмасин. Лекин сурилинглар ва кенгайинглар»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

785. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз ўтирган жойидан турсаю, сўнг унга қайтса, у ўша жойига ҳақлироқ бўлади»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

786. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келсак, ҳар биримиз қаер тўғри келса, ўша ерга ўтирар эди».

*Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

787. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳеч ким икки кишининг орасига уларнинг изнисиз ўтирмасин»**, дедилар».

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

788. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Солиҳ улфат ва ёмон улфатнинг мисоли мушк сотиб юрувчи ва босқончига ўхшайди. Мушк сотувчи ё сенга беради, ё сен ундан сотиб оласан, ёхуд ундан хушбўй ҳидни туясан. Босқончи бўлса, ё кийимингни куйдиради, ё сен ундан қўланса ҳидни туясан»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**